


## Ўлим тириклар учун ибратдир



08:01 / 24.12.2019 2210

Сулаймон Тоий айтади: «Абдулвоҳид ибн Зайдни Ҳавшабнинг жанозасида кўрдим. Ҳавшаб дафн қилинган, у шундай деди: «Эй Абу Бишр, Аллоҳ сенга раҳм қилсин, сен бундай кун келишидан огоҳ эдинг. Эй Абу Бишр, Аллоҳ сенга раҳм қилсин, сен ўлимдан ташвишда эдинг. Лекин Аллоҳга қасамки, қўлимдан келса, сенинг ўлимингдан кейин ишга қаттиқ киришаман». Шундан кейин Абдулвоҳид ибн Зайд илм учун астойдил ҳаракат қилди.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**